

---

## КОРРУПЦИЯ – ФАҚАТ ПОРАХЎРЛИК ЭМАС

Коррупция деганда кўпчилик порахўрликни тушунади. Йўқ, бу иллат шундандагина иборат эмас. Таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик, тўрачилик, ўз мансабини суиистеъмол қилиш ҳам коррупциянинг асосий кўринишларидандир. Бу иллатнинг жамият ривожига салбий оқибатини ҳаётнинг ўзи ҳам кўрсатиб турибди.

Давлатимиз раҳбари ўзининг ҳар бир чиқишларида, маърузаларида коррупцияга қарши жиддий курашиш зарурлигини қайта-қайта таъкидлаётганлиги ҳам шундан. Президентимиз ўтган йилнинг сўнгги кунларида Олий Мажлисга ҳамда Ўзбекистон аҳолисига қилган Мурожаатномасида ҳам бу жирканч иллатга алоҳида тўхталди.

Мурожаатномада таъкидланганидек, коррупциянинг ҳар қандай кўринишига мурасасиз бўлиш, унга қарши курашиш барча давлат органлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, умуман олганда, ҳар бир фуқаронинг кундалик ҳаёт тарзига айланиши зарур. Коррупция ўта оғир жиноят экани ва унга нисбатан мурасасиз бўлиш ғоясини ёшларимизга болалик давриданоқ сингдиришимиз, уларни фақат ҳалол меҳнат ва тадбиркорлик йўли орқали даромад топишга ўргатишимиз лозим.

Шу ўринда, барча давлат органларида қарор қабул қилиш жараёнлари очиқ ва фақат очиқ бўлишини таъминлаш коррупциянинг олдини олишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бундан ташқари, коррупцияга қарши курашишнинг самарали воситаларидан бири – кадрларни танлаш ва ишга қабул қилишнинг очиқ тизимини йўлга қўйишдир. Келгусида ушбу тизим асосида кадрларни танлашда эски усуллардан воз кечиб, уларнинг интеллектуал салоҳиятини, касбий малакаси ва маҳоратини, маънавий фазилатларини баҳолайдиган очиқ ва ошкора танлов тизими жорий этилаётгани айтиш муддаодир.

Бир сўз билан айтганда, коррупцияга қарши барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳатликда иш тутсақкина, кутилган натижага эришиш имкони ортиши, шубҳасиздир.

2021-01-29 08:46:43